Биография

Мамлакат Жўрабоева



Мамлакат Жўрабоева 1944 йил 30 апрелда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1960 йилда мактабни олтин медаль билан битириб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология факультетига ўқишга кирди. 1967 йил мазкур университетда ўқитувчиликни бошлайди. 1975 йилда “Ўзбек тилида аффиксал омонимия” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий раҳбари филология фанлари доктори, профессор Айюб Ғуломов, расмий оппонентлар эса филология фанлари доктори, профессор Ш.Раҳматуллаев ва доцент Р.Қўнғуровлар бўлган. Диссертация мавзуси бўйича “Совет туркологияси” журналида рус тилида “Об аффиксальной омонимии в тюркских языках на материале узбекского языка” мақоласи эълон қилинган. Кейинчалик шу мавзуда талабалар учун “Ўзбек тилида аффиксал омонимия”, “Ўзбек тилида шаклдош қўшимчалар” қўлланмалари чоп эттирилди. Шунингдек, ўзбек тилининг морфологиясига доир баъзи муаммоларни ўрганиб, “Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши”, “Қўшма сўзларнинг ички формаси”, “Қўшма сўз компонентларининг семантикасига доир”, “Қўшма сўзларнинг структур-семантик хусусиятларига доир”, “Қўшма сўзларнинг функционал-стилистик хусусиятларига доир” каби мақолалар эълон қилди. М.Жўрабоева мана шу мавзу бўйича олиб борган тадқиқотлари докторлик диссертацияси сифатида якун топмаганида устози А.Ғуломнинг қуйидаги сўзларини хотирлайди : “Мен ўзбек тилида тарихий сўз ясалишнинг аффикслар билан боғлиқ қисмини ўргандим, сенга эса сўз қўшиб сўз ясаш - қўшма сўзлар муаммосини қолдирдим. Бир уриниб кўр. Бу муаммо ҳамон муаммолигича қоляпти. Қилинмаган ишлар талайгина. Лекин масаланинг ечимида илмийлик етишмайди. Бу умумтуркологик муаммо албатта ўрганилиши керак”..... “Турли услубларда, турли матнлар таркибида, қайта-қайта нашр этилаётган луғат сўзликларида кўзга ташланиб турган имловий хатоларга дуч келганимда ўзимни айбдор ҳис этаман ва, сўзсиз, Айюб Ғулом узоқроқ яшаганларида балки шу ишим охирига етармиди деб армон қиламан ҳам” – дейди М.Жўрабоева

Мамлакат Жўрабоева бутун меҳнат фаолиятини шу университетда ўтказди. Фаолияти давомида ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўзбек тили морфологияси, ўзбек тили сўз ясалиши, ўзбек тилида қўшма сўзлар каби мавзуларда махсус курслар ўқиди, ўнлаб талабаларнинг илмий битирув ишларига раҳбарлик қилди. 1990-1994 йиллар давомида факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритди.Маълум бир муддат ўзбек тили кафедрасига ҳам раҳбарлик ҳам қилди.Шунингдек, факультетга малака ошириш учун келган ўнга яқин хорижий талабаларга ўзбек тилини ўргатди. Номзодлик диссертациясидан ташқари ўқув қўлланма ва рисолалар, илмий мақолалар чоп эттирди.

Нафақага чиққандан сўнг М.Жўрабоева “Умр дафтари”, “Умр зийнати”, “Устозлар” каби илмий-оммабоп рисолалар ёзиб нашр эттирди.